

JONES STUDIO МЕЙМОРЧИЛИК КОМПАНИЯСИ ЯРАТГАН МАКТАБ ИНТЕРЬЕРИ ВА УНДАГИ РАНГЛАРНИ БОЛАЛАРГА ТАЪСИРИ

Сайдюсупова Мафтуна Фарход қизи

Комолиддин Бехзод номидаги, Миллий рассомчилик ва дизайн институти
“Дизайн” кафедраси, ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Jones Studio мейморморчилик компанияси 2004 йилда Desiderata Alternative High School мактабининг янги биносини яратиш учун танланган. Бу мактаб 125 та ривожланишида нуқсонли ўқувчилар учун мўлжалланалган бўлиб. Ундаги интерьер ва ранглар болалар рухий холатидан келиб чикиб бажарилган.

Калит сўзлар: Ўкув жараёни, зарур билимлар, мактаб-интернати, замонавий интерьер, мухитни эстетик таъсири, ёрқинлик ва мутаносиблик.

АННОТАЦИЯ

В 2004 году архитектурная фирма Jones Studio была выбрана для проектирования нового здания альтернативной средней школы Desiderata. Эта школа рассчитана на 125 учеников с отклонениями в развитии. Его интерьер и цвета созданы с учетом детского психического состояния.

Ключевые слова: Учебный процесс, необходимые знания, школа-интернат, современный интерьер, эстетическое воздействие окружающей среды, яркость и пропорция.

ABSTRACT

The architectural firm Jones Studio was selected in 2004 to design a new building for Desiderata Alternative High School. This school is designed for 125 students with developmental disabilities. Its interior and colors are made based on children's mental state.

Keywords: Learning process, necessary knowledge, boarding school, modern interior, aesthetic effect of environment, brightness and proportion.

Jones Studio мейморморчилик компанияси 2004 йилда Desiderata Alternative High School мактабининг янги биносини яратиш учун танланган. Бу мактаб 125 та ривожланишида нуқсонли ўқувчилар учун мўлжалланалган.

Ўқув жараёнида улар нафақат таълим оладилар, балки кундалик ҳаётда зарур билимлардан ҳам воқиғ бўладилар. Қурилган бинода жойлашган эди. 2004 йилда янги бинога кўчиб ўтди. Бино интеръери ўқув режасига бинон тузилди. Раҳбарият хоналари, ўқув синфлари, спорт машғулотлари ўтадиган хоналар ва даволаниш зоналари ҳам ўзига хос безатилди. Меъморларнинг ўсимликларга тўла ички ҳовлиларни яратганлиги ечимларидан бири эди. Айнан шу ҳовлиларнинг ичидаги очиқ осмон остидаги дарс олиш масканлари жойлашаган. Томлардаги ёруғлик люклари хонани кундузги ёруғлик билан тўлдириб туради. Интеръердаги рангли ойналар янги билимлар олиш учун ўзига хос специфик мухитни яратиб турибди

Мана шундай кам маблағ кетадиган интеръер ечимларини Ўзбекситондаги мактаб-интернатларда ҳам қўлланса, ҳам ўқувчи учун зерикарли холатдан қочиш, ҳам визуал ранглар ўйинини ҳис қилиш ва баҳолаш имконияти юзага келади. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларда ўзгача кайфият баҳш этиб, руҳиятига ижобий таъсир қилган ҳолда, дарсларни ўзлаштириш жараёнини енгиллатиб, керакли натижаларга эришишга имкон беради. Албатта сержило интеръерлар янги ғояларни дунёга келишига сабаб бўла олади. Мактаб-интернат ўқувчилари ойлаб шу даргоҳда ҳам яшаб, ҳам ўқишилари давомида оддий интеръер уларнинг зерикиши, руҳий толиқиши, уйларини соғинишига олиб келади. Бунинг натижасида эса болаларнинг дарсларни ўзлаштириши сустлашади. Шунинг учун “Desiderata Alternative High School” мактабининг қурилишида қўлланилган меъморий ечимларни юртимизда қўлланса янги ютуқлар ва ижобий натижаларга эришилади деб ўйлаймиз.

Муаллифнинг ишида график картинаси тарихий ривожида меъморий борлиқнинг мавжудлиги назоратдан ўтади, бунинг мисолида архитектуранинг асосий қонуний тамойиллари намоён бўлади, меъморий лойиҳаларни тузилишида янги тамойилларга асосланиш меъморий обьектларни лойиҳалаш воситаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. А.В.Понкратеванинг замонавий интеръерни лойиҳалаштириш ишида: замонавий интеръер - бу функционал маданий олам бўлиб, унда нарса ва жиҳозлар ранг билан бир-бирига уйғун бўлади. Замонавий интеръернинг функционаллиги бу қонунлар композициясини бир тизимга солинганлиги, унда ҳаётий оламдан фарқли ўлароқ кишиларда аниқ ҳаёт фаолияти жараёни ҳисобга олинади ва бу жараён маданиятнинг ривожи билан бир босқичда амалга оширилади.

“Дизайн” тамойили ташкилотларни оптималь қонунларига асосланади. Мазкур формулада дизайн тушунчаси аниқ тушунчага эга. Дизайн худди шеърий

оҳангдошликка ўхшаб, ҳар бир жиҳознинг бир-бирига мослигини ўрганади, уларнинг таркибига тегмаган ҳолда. Нарса-буюмларни жойлаштириш тизимида маълум бир белгиларга айланади. Оптимал шароитда бундай белгилар аниқ ҳисобланган бўлиши мумкин.

Дизайн-муҳитнинг эстетик таъсири ўкувчи шахсининг шаклланишида, интеллектуал ақлий салоҳияти, жисмоний ва руҳий ривожланишда муҳим аҳамият касб этади. Болалар таълим муассасаларини атроф-муҳит дизайнини лойиҳалашда бола шахсининг ҳар томонлама шаклланишига таъсир этишини инобатга олиш зарур. Бу дизайн таълим-тарбиянинг маълум вазифаларини бажаришни ва маҳсус қўшимча тиббий, тасвирий, жисмоний, экологик, майший ишлаб чиқариш, руҳий жисмоний имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилиши керак ва шу билан бирга болага эстетик завқ бағишлиши зарур. Тарихий педагогик нуқтаи назардан атроф лойиҳа дизайнини тушуниш жамиятнинг таълим-тарбиявий муносабатларида аввало шахс сифатида шаклланаётган боланинг талаби асосида хулосаланади. Бу биринчи навбатда бинонинг тасвирий вазифавий қулайлигида уни фаол ҳаётий фаолияти жараённида юқори даражадаги ҳолатни таъминлайди. Бу ҳолат мусбат эмоционал таъсир кўринишида намоён қиласи ва бола таклиф қилинаётган атроф-муҳит дизайнининг адекватлик белгилари жисмоний-руҳий, руҳий, вазифавий алоҳида имкониятларига ҳистуйгуларига таъсир қиласи. Шундай тушунча борки, болалар ранглардан ҳақиқий дори-дармондек озиқланар экан. Катталар ҳар куни ишдан чарчаб юмшоқ рангларга интилади. Болаларга эса ёрқинлик ва мутаносибликни тақдим этишади. Дизайн рангли гаммасини танлаш орқали болалар ўқув биноларининг интеръерини безашда қуидагиларни ҳисобга олиш зарур. Болани босқичмабосқич ўсишида сенсор ривожланиш асосий фактор ҳисобланади. Бу қабул қилиш ривожи ҳис қилиш органларининг фаолияти билан боғлиқ. Бунда нарсалар буюмни жиҳозлашда қуидагиларга эътибор бериш зарур: ранг, шакл, ҳажм, дид ва ҳ.к.

ХУЛОСА

Мактаб ёшидаги болалар учун мос келадиган, ўзига жалб этадиган, ижодга чорловчи ва рағбатлантирувчи интеръер ва дизайн элементларини излаш ва таҳлили шуни кўрсатдики, юртимиздаги барча мактаб-интерънатларини интерларини ўзгартириш ва уни шунчаки эмас, балки ижодий ёндошган ҳолда, ўз ишининг усталари, бўлажак меъморлар ва айнан ижодкор болаларнинг фикри ҳам инобатга олинини зарур, деб ҳисблаймиз. Чунки ушбу мактабларда тахсил оладиган болаларнинг фикрлари муҳим аҳамиятга эга. Тўғри иқтисодий

томонини пухта ишлаб чиққан ҳолда тўғри ечимга келиш ва болаларга қулай мухитни яратиш бу катталарнинг вазифасидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Змановских Э.В. Художественные приемы и технологические средства в дизайне интерьера общественных зданий. Автореферат дисс.на соискание ученой степени канд.технических наук// Санкт-Петербург: 2009 г. – 20с
2. Калмыков Д. Методы проектирования в дизайне и разработка дизайн-концепций.
3. Ravshanovna, M. N. (2022). Umumiy ovqatlanish muassasalari interyerlari muhitini tashkil etish va unda zonalashtirishning ahamiyati. Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali, 2(2), 186-191.
4. kizi Salomova, F. L., Matniyazov, Z. E., & Mannopova, N. R. (2022). Methods of Using Ethnographic Elements in Furniture Design. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 2(5), 166-170.
5. Nilufar, M., & Farrukhovna, I. N. (2021). Basic Provisions and Requirements for the Formation of Interior Spaces of Hotels. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 12, 417-420.
6. Маннопова, Н., Абдусаматов, С., Боймуродов, Ш., Исмоилов, А., & Маматкузиев, Б. (2021). Influence of “thematic parks” to the development of tourism in Uzbekistan. Общество и инновации, 2(12/S), 122-131.
7. Махмудова М. СЕТЧАТЫЕ НЕСУЩИЕ КОНСТРУКЦИИ В. Г. ШУХОВА В СОВРЕМЕННОЙ АРХИТЕКТУРЕ 21 ВЕКА // Проблемы архитектуры и строительства. - 2018. - Т. 1. - №. 3. - С. 36-39.
8. Махмудова М., Махмудова М. ИСЛАМСКИЙ СТИЛЬ В ЛАНДШАФТНОМ ДИЗАЙНЕ НА ПРИМЕРЕ ДРЕВНИХ САДОВ ТЕМУРИДНОГО ПЕРИОДА // ОБЩЕСТВО. ИНТЕГРАЦИЯ. ОБРАЗОВАНИЕ. Материалы международной научной конференции. - 2020. - Т. 5. - С. 706-718.

9. MANNAPOVA NR et al. Организация и основные требования к дизайну интерьера ресторана // Международный журнал инноваций в инженерных исследованиях и технологиях. - 2020. - Т. 7. - №. 05. - С. 5-12.
- 10.Tursunova S. F. HISTORY OF ADVERTISING IN UZBEKISTAN //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 9. – С. 10-10.
- 11.Isakova Mukaddas Badirovna, & Rasulova Azizakhon Alisher kizi. (2021). The specificities of creating and developing modern campuses. International Journal on Orange Technologies, 3(3), 318-323. <https://doi.org/10.31149/ijot.v3i3.1551>
- 12.Латифович Т.А. Крупнопролетные конструкции и архитектурная форма // АКАДЕМИКА: МЕЖДУНАРОДНЫЙ МНОГОДИСЦИПЛИНАРНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ЖУРНАЛ. - 2021. - Т. 11. - №. 1. - С. 397-401.
- 13.Тахировна М.М. ART NOUVEAU MASTERPIECE-RYABUSHINSKY MANSION //ResearchJet Journal of Analysis and Inventions. – 2021. – Т. 2. - No 05. – С. 133-139.